Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 28 октябрь 1973 йил, якшанба ✦ № 255 (15.729). ✦ Баҳоси 2 тийин.

ҚОЗОҒИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ҚОЗОҒИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ҚОЗОҒИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Қозоғистон совхозларининг ишчиларини, колхозчиларини, механизаторларини, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини, олимларини, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органларининг ходимларини, саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, ўқув юртларининг коллективларини, партия,совет, касаба союз ва комсомол ходимларини—ғалла учун курашда актив иштирок этган барча кишиларни кўрик ердаги йигирманчи ўрим-йиғимнинг муваффақиятли тугалланиши ва давлатга бир миллиард пуд дон сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан қизғин қутлайдилар.

Давлатга икки йилдан буён сурункасига бир миллиард пуддан кўпроқ ғалла сотилаётганлиги мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва совет-халқи фаровонлигини юксалтириш юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларини муваффақиятли бажариш ишига республика қўшаётган катта ҳиссадир.

Бу муваффақиятлар Қозоғистон қишлоқ хўжалиги ходимлари ва барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати туфайли, республика партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари туфайли қўлга киритилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Қозоғистон ССР қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари колхоз ва совхозларнинг техника билан тобора кўп таъминланаётганлигидан, фан ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиб, бундан кейинги йилларда ғалла етиштиришда эришилган марралардан ўзиб кетадилар, қўйчиликни ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини тез ривожлантириш учун курашни авж олдириб юборадилар, беш йиллик планнинг барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш соҳасидаги топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЗАФАР МУБОРАК, ТОШКЕНТ ПАХТАКОРЛАРИ!

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИ ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРДИЛАР

Тошкент области пахтакорлари КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган ёрқин нутқидан илҳомланиб, беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида олган улкан социалистик мажбуриятларини республикада биринчи бўлиб ado этдилар. Аҳдига вафодор пайтахт области пахтакорлари Ватанга 400 минг тоннадан знёд «оқ олтин» етказиб бердилар.

Эришилган бу катта ғалаба меҳнат аҳлининг қаҳрамонона ғайрат-шижоати, область партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари меҳнат аҳли орасида олиб борган катта сиёсий-оммавий ва ташкилотчилик ишларининг самарасидир.

Шунисқ қувончлиқки, областнинг ҳамма районлари пахта тайёрлаш давлат планларини муваффақиятли бажардилар, дала гвардиячилари машинада пахта териш мажбуриятини ошириб ado этдилар. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам белгиланган планлар муваффақиятли бажарилди.

Область хўжаликларида пахта йиғим-терими, келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда, чорва қишловини намунали ўтказиш тадбирлари кўрилмоқда.

Пойтахт области пахтакорларининг катта муваффақиятига бағишланган материалларни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.

Суратда: (чапдан). механизатор Абдулла Шокиров, бўлим бошқарувчиси Йигитали Шокиров, бригада бошлиғи Олимжон Абдуллаев ва бўлим ишчиси Жўрабой Йўлдошев ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ТОЛМАС ҚЎЛЛАР

Катта йўлнинг ҳар икки томони оппоқ оқариб ётибди. Бу — Мирзачўл сийнасида ташкил топган 18-«Фарғона» совхозининг бепоён пахтазорлари. Уфққа туташ далаларда машиналар ҳайқириғи тинмайди. Улар гўё улкан денгизда сузиб юрган кемаларни эслатади.

Мана, Йигитали Шокиров бошқарувчилик қилаётган 7-бўлим пайкаллари... «Зангори кема»лар эгатлар оралаб вазмин тебраниб бораркан, шпинделлар бир меъёрда айланиб, чаноқлардаги оппоқ момиқларни қамраб олади. Гўё оқ кабутарлар учиб, машиналар бункерига қўнаётгандай... Машиналар пайкалнинг у бошидан бу бошига бориб келгунча, бункерлари лиммо-лим тўляпти. Бункерлардаги пахта шу ернинг ўзидаёқ тележкаларга ағдарилиб, пахта пунктига жўнатилмоқда.

Айниқса ҳаммадан олдинда бораётган Валижон Шокиров алоҳида кўзга ташланади. Унинг агрегати мавсум бошланганидан буён тиним билгани йўқ. Валижон комплекс механизациялашган бригадага бошчилик қилади. Айни вақтда моҳир механизатор ҳам. Бригада бу йил 82 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўза қатор ораларини культивация қилиш, етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда Валижоннинг ўзи бошқош бўлди, жонбозлик кўрсатди. Мана энди даладаги ҳосил кўзларни қувонтиради. Бригада 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 35 центнердан ошириб хирмон кўтарди. Гектар бошига яна 5 центнердан «оқ олтин» топширмоқчи.

Совхозда бундай бригадирлар, техника кучига таяниб, мўъжизалар яратаётган механизаторлар кўп. Лоақал Жўрахон Йўлдошев, Рустамбек Ғафуров, Усмонали Раҳмонов сингари техника ихлосмандларини мисолга келтирайлик. Улар пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни механизация воситасида бажаришда алоҳида намуна кўрсатишяпти.

Бўлим далаларида 13 та агрегат ишлаётир. Икки қаторли машиналарни бошқарган механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 120-130 тоннадан, тўрт қаторли агрегатларда ишлаётган механизаторларнинг ҳар бири эса 200-220 тоннадан пахта териб, республикамиз механизаторларининг мамлакатдаги барча пахтакорларга қарата ёзган ва КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган Мактубига амалий иш билан жавоб берди.

Еттинчи бўлим механизаторлари Йигитали Шокировнинг елкадошлари деб аташади. Бунинг боиси бор. Чунки шу меҳнатсевар, жонкуяр йигитларнинг фидокорона меҳнати туфайли бўлим пахтадан ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирди. Давлатга пахта топшириш йиллик плани 14 иш кунида ado этилди. Ҳар гектар майдондан пландаги 22 центнер ўрнига 27 центнердан ҳосил олинди. Агрегатлар бункеридан бўшатилган «оқ олтин»нинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Йигим-теримнинг долзарб даврларида Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг индустриал-педагогика факультети ўқитувчи ва студентлари ёрдамга келишди. Факультет декани, техника фанлари кандидати, доцент Мавлон Тоирхўжаев, партия бюросининг секретари, тарих фанлари кандидати Абдуханнон Охунов ўртоқлар 200 кишилик коллективнинг пахта теримида намуна кўрсатиб ишлашини таъминламоқдалар. Натижада II курс студенти коммунист Миназар Худойназаров ҳар куни 280-300 килограмм тўкилган пахтани териб, студентлар мусобақасида пешқадамлик қилаётир.

Ўқитувчиларнинг ҳам ҳиммати баланд. Рашид Мингалиев, Сергей Лиманский, Нигматулла Асомиддинов каби сергайрат ўқитувчилар теримда ўрнак кўрсатиш билан бирга, студентларни янада унумлироқ ишлашга даъват этишяпти.

«Фарғона» совхозининг 18 минг тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшаётган Йигитали Шокиров бошлиқ 7-бўлим азаматлари ва уларнинг тошкентлик кўмакдошлари даладаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга маҳкам бел боғлашган. Куни кеча яна бир хушхабар келди. Бўлим ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» топшириб, социалистик мажбуриятини шараф билан бажарибди.

Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, чўлқуварлар!

Т. УНАБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Сирдарё область, Оқолтин районы.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта ғанерлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 27 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада	
			бир кунда	мавсум бошидан
СИРДАРЁ	0,90	115,49	0,38	134,26
АНДИЖОН	0,41	111,78	0,52	132,80
ТОШКЕНТ	0,79	108,31	0,38	113,09
ҚАШҚАДАРЁ	0,57	108,07	1,01	97,25
СУРХОНДАРЁ	0,66	106,76	0,57	104,08
НАМАНГАН	0,72	103,69	0,90	144,78
ФАРҒОНА	0,75	100,78	0,95	116,17
ҚҚАССР	1,54	98,94	1,45	103,15
Самарқанд	1,62	97,89	0,97	131,78
Хоразм	1,66	96,94	2,47	90,28
Бухоро	0,59	82,59	0,66	89,10
Республика бўйича:	0,90	102,85	0,88	116,36
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	0,94	91,99		
Қашқадарё	1,32	89,36		
Бухоро	0,75	34,24		
Республика бўйича:	1,02	86,77		

РАЙОНЛАР РАПОРТИ

МОСКВА

Москва районининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари тайёрлов пунктларига 57,3 минг тонна «оқ олтин» жўнатиб, давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини бажардилар. Пахта териш машиналарининг бункерларидан 31,4 минг тонна пахта ағдарилди, ҳосилдорлик 29 центнерга етди.

Район деҳқонлари 35 центнерлик ҳосил учун ва ялпи пахта ҳосилини 70.000 тоннага етказиш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар.

БАЛИҚЧИ

Балиқчи районининг пахтакорлари давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини бажардилар. Ватан омборларига 52,5 минг тоннадан ортиқ биринчи нав пахта элтиб берилди. Топширилган пахтанинг 62 процентини механизаторлар териб беришди. Гектар бошига ҳосилдорлик 27,5 центнерга етди.

«Победа», «Правда», «Социализм», «Қизил юлдуз», «Пахтакор», Карл Маркс номли, «Москва», «Коммунизм», Охунбобоев номли, Куйбишев номли колхозлар олинган социалистик мажбуриятлар ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Район меҳнатчилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, халқ хўжалик планидан ташқари 9,5 минг тонна пахта топширишга аҳд қилдилар.

ЯНГИАРИҚ

Район меҳнатчилари пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 64,5 минг тонна «оқ олтин» элтиб берилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 35,5 центнерга етказилди. Ҳосилнинг ярмидан кўпроғи терим машиналарининг бункерларидан тўкилди.

Охунбобоев номли, Киров номли, «1 Май», «Ленинград», Чапаев номли, Ленин номли, «Москва», «Октябрь 40 йиллиги», Аваз Утар номли колхозлар катта муваффақиятларга эришдилар.

Ҳозир далаларда социалистик мажбуриятларни бажариш учун қизғин кураш давом этмоқда. Район пахтакорлари ҳар гектар ердан 41,5 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи пахта ҳосилини 76 минг тоннага етказишдан иборат юксак марранн эгаллашни мўлжалламоқдалар.

ТЕРМИЗ

Термиз районининг меҳнатчилари давлат омборларига 43,7 минг тонна пахта етказиб бериб, «оқ олтин» тайёрлаш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажардилар. Ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил олинди. Калинин номли, «Қизил юлдуз», Жданов номли, Ленин номли колхозларнинг пахтакорлари эса ҳосилдорликни гектар бошига 30-34 центнерга етказдилар.

Пахта йиғим-терими давом этмоқда. Район пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб, пландан ташқари яна 6,3 минг тонна ингичка толали пахта топширишга азм қарор қилдилар.

ЗАФАР сатрлари

Узбекистон пойтахти саноат корхоналарининг коллективлари беш йиллиқнинг учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб 25 октябрда маҳсулотни реализация қилиш ва буюмлар энг муҳим турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик планни бажарганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Давлат планларини ва мажбуриятларни ошириб бажаришда Октябрь, Собир Раҳимов, Ленин, Куйбишев ва Ҳамза районларининг саноат корхоналари меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Ой охиригача топшириқдан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик турли хил маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

* * *

Узбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарининг коллективлари Октябрнинг 56 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан олдин, 25 октябрда бажардилар. Октябрь ойининг охиригача топшириқдан ташқари 21 миллион сўмлиқдан кўпроқ ҳар хил моллар реализация қилинади.

* * *

Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли саноат корхоналари ва совхозларининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ва маҳсулот асосий турларини ҳамда халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик планни муддатидан илгари, 25 октябрда ado этдилар. Совхозларнинг меҳнатчилари мева ва узум топшириш планини ошириб бажардилар. Мева ва узумни қишга ғамлаб қўйиш юзасидан берилган топшириқ ҳам ошириб бажарилди. Ноябрь ойи бошларигача ўн беш миллион сўмлиқдан кўпроқ ҳар хил маҳсулот реализация қилинади.

(УзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг машҳур қаҳрамони, Совет Қуролли Кучларининг актив қурувчиларидан бири, атоқли саркарда, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Совет Иттифоқи Маршали, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Семен Михайлович Буденний 1973 йил 26 октябрда 91 ёшида вафот этганлигини партияга, бутун совет халқига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

КАЛИНИН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги «Москва» совхозининг сабзаворкорлари ўз бурчини шарафлаш йўлида фидокорлик билан меҳнат қилиб, ажойиб ғалабаларга эришмоқдалар. Хўжалик миришкорлари куни кеча давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш халқ хўжалик планини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 4 минг тоннадан зиёд сабзавот, 700 тонна картошка, 728 тонна полиз маҳсулотлари етказиб берилди.

— Улуғ Октябрь байрами арафасида дастлабки довондан ошдик, — дейди хўжалик раҳбари Саттор Эгамбердиев, — лекин давлатимиз ёрдами, халқимиз меҳнати билан етиштирилган маҳсулотнинг бир қисми ҳали далада ётибди. Уни тезроқ йиғиштириб олиш, юқори сорт билан аҳолига етказиб беришни муқаддас бурч деб биламиз. Яқин кунлар ичида халқ хўжалик планига қўшимча 200 тонна сабзавот, 200 тонна картошка тайёрлаш ҳақидаги оширилган мажбуриятимизни ҳам бажарамиз. Хўжалигимизда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари ҳам муваффақиятли ado этилди, қишлов учун етарли озуқа жамғариб қўйилди.

Келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратиш, чорва қишловини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАРНИНГ ЖАҲОН КОНГРЕССИ

Илгари хабар қилинганидек, тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессининг 26 октябрдаги кечки мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлаган эди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва узоқ давом этган қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди. Конгресс қатнашчилари нутқнинг якунловчи сўзларини зўр ўринларидан-туриб гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

БМТга ёрдам бериш уюшмалари жаҳон федерациясининг Бош секретари **Г. Перера** конгрессинг делегатлари ва меҳмонлари номидан нутқ сўзлайди.

У Леонид Ильич Брежневга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Мен бу ерда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретарига миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз. Нотиқ конгрессда нутқ сўзлаш имкониятини топганлиги учун Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик билдирди. СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда вужудга келган юмшаш руҳи, шунингдек халқлар ўртасида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга қаратилган куч-ғайратларнинг тинмай ўсиши тинчликни мустаҳкамлашнинг муҳим омиллари бўлиб қолди, деб давом қилди нотиқ. Аммо планетада ҳамон можаро ва кескинлик районлари бўлдим, Жаноби олийлари, планета тинчликсевар кучларининг шу тарихий аҳамиятини улуғ шаҳар — Москвада, остоналарида фашист ғалалари тор-мор этилган шаҳарда ўтказиш имконияти берилганлиги учун конгресс ташкилотчилари, қатнашчилари номидан шахсан Сизга, СССР ҳукумати ва халқига миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз. Нотиқ конгрессда нутқ сўзлаш имконияти топганлиги учун Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик билдирди. СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда вужудга келган юмшаш руҳи, шунингдек халқлар ўртасида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга қаратилган куч-ғайратларнинг тинмай ўсиши тинчликни мустаҳкамлашнинг муҳим омиллари бўлиб қолди, деб давом қилди нотиқ. Аммо планетада ҳамон можаро ва кескинлик районлари

(Давоми 2-бетда)

ТАСС БАЁНОТИ

Яқин Шарқдаги воқеалар муносабати билан Вашингтонда АҚШнинг айрим районлардаги, шу жумладан Европадаги қуролли кучлари юксак тайёрлик ҳолатига келтириб қўйилганлиги хусусида хабарлар берилди.

Расмий кишилар бу ишни оқлашга уриниб, Совет Иттифоқи бундай безовталик учун гўё асос берадиган қандайдир ҳаракатлар қилганлигини важ қилиб кўрсатдилар.

ТАСС қуйидагиларни билдиришга вакил қилинган: бундай важлар бемани важлардир, чунки Совет Иттифоқининг ҳаракатлари Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарқда ўт очишни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги қарорларини бажаришга кўмаклашишгасина қаратилган, холос.

АҚШнинг халқаро кескинликни юмшатишга мутлақо ёрдам бермайдиган бу иши Совет Иттифоқига пўписа қилишга уринишдан иборат эканлиги равшан кўриниб турибди. Аммо бу ишнинг ташаббускорларига шу мақсад учун адресни нотўғри танлаганликларини айтиб қўйиш ўринлидир.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ Семён Михайлович БУДЁННИЙ

Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг машҳур қаҳрамони, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашнинг актив қатнашчиси, Совет Қуролли Кучларининг таниқли қурувчиларидан бири, атоқли саркарда, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, уч марта Совет Иттифоқи Маршали Семён Михайлович Будённий 1973 йил 26 октябрда 91 ёшида вафот этди.

Совет халқи, қуролли кучларимиз оғир жудоликка учрадилар. Бутун ҳаёти социалистик Ватанга, 1919 йилдан аъзо бўлган Коммунистик партия ишига садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлган киши орамиздан кетди.

С. М. Будённий 1883 йил 25 апрелда Ростов областининг Пролетар районидаги Козюрин хуторида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У ўзининг меҳнат ҳаётини 10 ёшидан бошлади, маҳаллий қулоқлар ва помещиклар қўлида батрак бўлиб ишлади. 1903 йилда С. М. Будённийни армия сафига чақиришади. У русларнинг урушида қатнашди. Биринчи жаҳон урушининг бошидан то охиригача ҳарақатдаги армия сафида бўлди. Унинг мислсиз мардлиги, қатъиятлиги ва ҳарбий маҳорати ўша пайтдаёқ намоён бўлди, у бир неча бор жароҳатланди ва Георгий орденининг тўла кавалери бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин С. М. Будённий Донда Совет ҳокимиятини ўрнатишда ва уни душманлардан ҳимоя қилишда актив қатнашади. У 1918 йил февралида кавалерия отрядини тузиб, оқ гвардиячилар контрреволюциясига қарши қуролли кураш бошлайди. Кейинчалик у кавалерия дивизиясининг командири қилиб тайинланади. Кўп ўтмай бу дивизия кавалерия корпусига айлантирилади. Партия Марказий Комитети ва шахсан В. И. Ленининг кўрсатмасига мувофиқ 1919 йилнинг ноябрида 1-отлиқ армия тузилади. Бу армия С. М. Будённий қўмондонлиги остида гражданлар урушининг кўпгина фронтларида душманларни тор-мор қилди. Тилларда достон бўлган Будённийнинг отлиқ армияси маглубиятга учрашнинг нима эканлигини билмади ва ўз жанговар байроқларини сўнмас шуҳрат билан қоплади. Коммунистик партия тарбиялаган, унинг содиқ фарзанди, халқнинг энг камбағал табақаларидан чиққан Семён Михайлович оддий солдатликдан янги типдаги атоқли ҳарбий арбоблардан бирига — ишчи-деҳқон Қизил Армиясининг саркардасигача ўсиб етишди.

Гражданлар уруши тугаганидан кейин С. М. Будённий совет ҳарбий қурилишига актив қўшилади. Шимолий Кавказ ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари ва революцион ҳарбий кенгашининг аъзоси, кавалерия бўйича Қизил Армия Бош қўмондонининг ёрдамчиси, 1-отлиқ армия командарми, кавалерия инспектори ва республика революцион ҳарбий кенгашининг аъзоси бўлди. У урушдан олдинги йилларда Москва ҳарбий округи қўшинларига қўмондонлик қилди ва СССР Мудофаа халқ комиссариннинг биринчи ўринбосари эди.

Улуғ Ватан уруши даврида Семен Михайлович Олий Бош қўмондонлик ставкасининг аъзоси эди, Москвани мудофаа қилишда қатнашди, Ғарб-Жанубий ва Шимолий Кавказ йўналишлари, бир қанча фронтлар қўшинларига қўмондонлик қилди, Қуролли Кучлар кавалериясига бошчилик қилди, У ана шу масъулиятли лавозимларда туриб немис-фашист босқинчиларга қарши курашни ташкил қилиш ишида катта роль ўйнади.

Урушдан кейинги йилларда С. М. Будённий Совет Қуролли Кучларининг жанговар қудратини янада мустаҳкамлаш устида хормай-толмай ишлади, давлат ва жамоат ҳаётида актив иштирок этди, меҳнаткашлар билан маҳкам боғланган эди, ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида катта иш олиб борди. Ватанга чексиз содиқлиги, душманларга қарши курашда мислсиз мардлиги ва жасорати, одамларга нисбатан саммийлиги ва меҳрибонлиги учун у ҳаммасининг муҳаббатига ва совет халқининг чуқур ҳурматига сазовор бўлди.

С. М. Будённий кўпгина партия съездларининг делегати эди, 1934 йилдан бошлаб КПСС Марказий Комитети составига сайланди. У барча чақириқ СССР Олий Советининг депутати эди. 1938 йилдан СССР Олий Совети Президиумининг аъзосидир.

Коммунистик партия ва Совет давлати С. М. Будённийнинг жуда катта хизматларига юксак баҳо берди. У Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига уч марта сазовор бўлди, саккизта Ленин ордени, олтита Қизил Байроқ ордени, 1 даражали Суворов ордени билан ҳамда бир қанча чет давлатларнинг кўпгина орден ва медаллари билан мукофотланди. Фахрий революцион қурол билан уч марта мукофотланди.

Ленин партиясининг содиқ фарзанди, довюрак солдат ва талантли саркарда, донг чиқарган халқ қаҳрамони Семен Михайлович Будённийнинг порлоқ хотираси барча совет кишиларининг қалбида абадий сақланиб қолади.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Щербицкий, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Г. Ф. Сизов, М. А. Яснов, Л. В. Смирнов, И. Н. Якубовский, В. Г. Куликов, А. А. Епишев, С. Л. Соколов, В. Ф. Толубко, И. Г. Павловский, П. Ф. Батицкий, П. С. Кутахов, С. Г. Горшков, К. С. Москаленко, С. К. Куркоткин, А. Н. Комаровский, Н. Н. Алексеев, А. Т. Алтунин, И. Х. Баграмян, А. М. Василевский, Г. К. Жуков, П. К. Кошевой, В. И. Чуйков, Ф. И. Голиков, Е. М. Тяжельников, М. П. Георгадзе, Н. И. Савинкин, Л. И. Греков, И. А. Бондаренко, М. С. Смирнов, И. В. Тюленев, Д. Д. Лелюшенко, Я. Т. Черевиченко, Д. И. Рябишев, К. Ф. Селютин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

1. Совет Иттифоқи Маршали С. М. Будённийни дафн этишни ташкил қилиш учун А. А. Гречко (раис), А. П. Кириленко, Н. В. Капитонов, М. А. Яснов, Л. В. Смирнов, П. Ф. Батицкий, А. А. Епишев, Л. И. Греков, М. С. Смирнтюков, М. М. Тюленев ва К. Ф. Селютин ўртоқлардан иборат составда ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. С. М. Будённий Қизил майдонда, Кремль девори ёнида дафн қилинсин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ С. М. БУДЁННИЙНИ ДАФН ЭТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Совет Иттифоқи Маршали С. М. Будённий жасади солинган тобут Союзлар уйининг колонна залига қўйилади.

Марҳум С. М. Будённий билан 29 октябрь соат 10 дан соат 18 гача ва 30 октябрь соат 10 дан соат 13 гача видолашиш мумкин. Дафн қилиш маросими 30 октябрь куни соат 14 да Қизил майдонда ўтказилади.

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИ БИЛАН СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ БОШ СИЕСИ БОШҚАРМАСИДАН

СССР Мудофаа министрлиги билан Совет Армияси ва Ҳарбий-денгиз Флоти бош сиёсий бошқармаси КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали Семен Михайлович Будённий 1973 йил 26 октябрда 91 ёшида вафот этганлигини Совет Қуролли Кучларининг шахсий составига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

СССР Қуролли Кучлари Совет Иттифоқи Маршали С. М. Будённий сиймосида атоқли саркарда, Совет Қуролли Кучларининг актив қурувчиларидан бири, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг донг чиқарган қаҳрамонидан жудо бўлдилар.

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИ СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ БОШ СИЕСИЙ БОШҚАРМАСИ

ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАРНИНГ ЖАҲОН КОНГРЕССИ

(Бошы биринчи бетда)

бор. Мана шу ва бошқа ҳаётий муҳим проблемалар Сиз, жаноби олийларининг диққат марказингизда шубҳасиз турибди, уларни ҳал этиш учун Сиз доимо кўп куч ва ғайрат сарфлайсиз. Сизнинг бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, мустамлакачиликнинг ҳамма шаклларини, шунингдек ҳамма хил жирканч апартеид сиёсатини тугатиш йўлидаги ҳормас-толмас куч-ғайратларингизни яхши билганлигимиз учун ҳам шу гапни айтяпмиз, деб давом қилди Г. Перера.

Сизнинг Германия Федератив Республикасига, Америка Қўшма Штатларига, Францияга ва бошқа мамлакатларга қилган тарихий тинчлик миссияларингизни, шунингдек ушбу мамлакатларнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда жаҳон тарихида янги давр бошланганлигини эълон қилганлигингизни планетамиз халқлари яхши биладилар, деб давом этди нотиқ. Мана шу тинчлик миссиялари ва унинг натижалари устида фикр юритаётиб, айни Совет Иттифоқи тинч-тотув яшашга даъват қилганлигини яхши эслаймиз. Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқининг Яқин Шарқда ўт очишни тўхтатиш ва шу районда тинчликни таъминлаш борасидаги ташаббусини барча тинчликсевар кучлар табриклямоқдалар, деди сўнгра нотиқ.

Бугун Сиз, жаноб олийлари, бу ерда ҳозир бўлганлигингизнинг ўзи ҳам тинчликни сақлаш борасида кўрсатиб келаётган куч-ғайратларингизнинг катта рўйҳатини давом эттиради, дейди Г. Перера. Сиз фикрўйларингизни биз билан баҳамлашдингиз, бизга мардлик бағишладингизки, бунга биз муҳтожмиз, одилона ва мустаҳкам тинчликни таъминлашда, озодлик ва социал тараққиёт учун курашда планета халқлари ўйнаши мумкин ва лозим бўлган ролни янада аниқроқ баҳолашга ёрдам бердингиз. Бугун бу ерда ҳозир бўлганлигингиз ҳаммамиз учун оддий бир эслаб қоладиган воқеадан ҳам знёдроқдир. Бу ерда ҳозир бўлганлигингиз бизнинг қалбларимизни ва руҳимизни шод этди. Сўзлаган нутқингиз бизнинг ишимизда ҳаммамизни бу ерга бошлаб келган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишларимизга рағбатлантирувчи зўр куч бўлди, десам шу залда йиғилган кишиларнинг ҳаммасининг ҳис-туйғуларини ифода этган бўлишимга аминман. Сўзлаган нутқингизда бутун дунёда тинчликка эришиш йўлида ҳамжиҳатликка, кескинликни юмшатишга ва ҳамкорликка эришиш борасида ишлашнинг ажойиб намунасини кўрсатдингиз.

Нотиқ тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессининг қатнашчилари номидан Леонид Ильич Брежневга планетадаги барча халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва тараққиётини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишларида катта-катта муваффақиятлар тилади.

Танаффусдан сўнг конгрессининг комиссияларида муҳокамага қўйилган проблемалар юзасидан маърузалар давом этди. Делегатлар Осиёда ва планетанинг бошқа районларида социал тараққиёт ҳамда инсон ҳуқуқлари учун кураш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўллари тўғрисида зўр қизиқиш билан гапирадилар.

Мажлисда умум Африка касаба союзлари федерациясининг раиси **Маҳжуб бин Силлик**, Ҳиндистон миллий конгресси Умумҳиндистон комитетининг бош секретари **Чандражит Ядав**, Лаос ватанпарварлар фронти Марказий Комитетининг аъзоси **Маисук Сотсомфенг**, ВДР маданият министри **Хоан Минь Знам**, Вьетнам миллий, демократик ва тинчликсевар кучлари союзи Марказий Комитетининг раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат Революцион ҳукумати маслаҳат Кенгаши раисининг ўринбосари **Чинь Динь Тхао**, немис тинчлик кенгашининг раиси, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси **Альберт Норден**, Финляндия маориф министри **Ульф Сундквист**, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги халқаро комитети номидан **Филипп Девилье**, Япония тинчлик комитетининг раиси профессор **Иоситаро Хирано**, жаҳон илмий ходимлар федерациясининг президенти **Эрик Буроп** ва бошқалар нутқ сўзладилар.

* * *

27 октябрь эрталаб Кремлнинг Съездлар саройидаги ялпи мажлисда комиссияларнинг докладлари давом эттирилди. Миср Араб Республикаси тинчлик тарафдорлари миллий кенгашининг бош секретари **Холид Моҳиддин** «Яқин Шарқ» проблемаси юзасидан биринчи бўлиб сўзга чиқади. У араб халқларининг дўсти, озодлик, тинчлик ва тараққиёт учун курашётган барча бошқа халқларнинг дўсти бўлмиш давлат пойтахти — Москва шаҳрини табриклайди. Нотиқ Исроил агрессияси сабабли Яқин Шарқда рўй берган аҳвол тўғрисида гапиради. Бу агрессия — бутун дунёга хавф туғдириб, жаҳон жамоатчилигига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига дағдағадир. Холид Моҳиддин араб халқларининг қаҳрамонлиги, агрессияга қарши, ўз ерларини озод қилиш учун арабларнинг биргаликда ҳаракат қилаётганликлари ҳақида гапириб берди.

Нотиқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 22 октябрдаги резолюциясига Миср розилик билдиргانлигини эслатиб ўтди. Бу резолюцияда ўт очишни тўхтатиш тўғрисида, Хавфсизлик Кенгаши 1967 йилда қабул қилган резолюцияни дарҳол бажариш ҳақида гапирилади. Бу резолюция бутун жаҳон жамоатчилигининг фикрини ифода этади. Бироқ Исроил агрессорининг табиати сингари империализм табиати ҳам ўзгаргани йўқ. Исроил Хавфсизлик Кенгашининг қарорига рози эканлиги тўғрисида айтган ёлғон гапдан кейин бир неча соат ўтгач, агрессор мумкин қадар кўпроқ араб территорияларини босиб олишга интилиб ҳужум бошлади.

Агрессияга қарши олиб бораётган курашимиз, деди нотиқ, Ҳинди-Хитой ва Чили халқларининг, Африка, Осиё ва Латин Америкаси халқларининг, тинчлик ва тараққиёт барча кучлари умумий курашларининг таркибий қисми эканлигини тушунамиз. Миср Араб Республикасининг вакили Совет Иттифоқи билан барча социалистик давлатлар араб мамлакатларига кўрсатган ва кўрсатаётган қардошларча бегараз сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдамга юксак баҳо берди. Миср Араб Республикасининг вакили ўртоқ Л. И. Брежнев тарихий нутқ сўзлаганлиги учун унга чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Бу нутқда Яқин Шарқдаги вазият тинчлик иши учун халқаро масъулиятни юксак даражада англаш руҳи билан ёритилгандир.

Сурия Араб Республикаси делегациясининг раҳбари **Морис Салиби** ўз нутқида бизнинг конгрессимиз тинчликсевар кучларни бирлаштириш, дунёни ядро уруши хавфидан халос қилиш, халқлар мустақиллиги, эркинлиги ва тенглиги негизида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадида чақирилганлигини айтди.

Сионистлар ва империалистларнинг тинчликка, бутун планетамиз халқларининг манфаатларига таҳдид солаётган, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган куч-ғайратни барбод этиш хавфини туғдираётган янги кирдикорларини даф этиш — ҳозир араб халқлари олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Жаҳондаги барча соф виждонли кишилар, деб таъкидлади нотиқ, бизнинг ҳаққоний ишимизга хайрихоҳлик билдириб, уни қўллаб-қувватламоқдалар. Биз бу ерда совет халқи ва Совет ҳукуматининг кўрсатган ёрдамини, агрессияни даф этишда бизга мадад беришга қатъий қарор қилганликларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Совет ҳукумати яқинда Исроилни огоҳлантирганлиги бизнинг районимизда уруш манбаини тугатиш ва одилона тинчликни ўрнатиш мақсадида қўйилган муҳим қадам бўлди. Биз ҳаққоний ишимизни доимо қардошларча қўллаб-қувватлаётганлиги учун улуғ Ленин мамлакатига миннатдорчилик изҳор этамиз.

Бу мадад ишимизнинг адолатли эканлигини таъкидлаб, бизни халқимиз бахт-саодати йўлидагина эмас, шу билан бирга бутун инсоният учун азиз бўлган принциплар йўлида ҳам қурбонлар бераётганлигимизни янада яхшироқ ҳис этишга мажбур қилади.

Исроил ҳукмдорлари барча умумиқсоний бойликларга нисбатан душман эканликларини намойиш қилдилар. Улар Дамашқда совет маданий марказига, дипломатлар ва БМТ ходимлари уйларига, касалхоналарга ракета ёғдирдилар. Шаҳар ва қишлоқлар, электр станциялар, завод ва фермалар ҳам бомбардимон қилинди. Ҳужумлар натижасида тинч гражданлар қурбон бўлди.

Ўт очиш тўхтатилгандан кейин Исроилнинг янги фитналари олдида мудофаа қобилиятимизни ва хушёрлигимизни кучайтириш заруриятн билан бир қаторда олиб бориладиган сиёсий иш ҳам ғоят катта аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан биргаликда сарфлаётган куч-ғайратимизни давом эттириш, биз билан бирдамликни мустаҳкамлаш, бутун дунёда тинчлик, социализм ва озодлик кучларининг янги харакатлари Яқин Шарқда одилона тинчликни ўрнатишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Фаластин миллий кенгашининг раиси **Холид ал-Фахум** Фаластин озодлик ташкилоти, шу мамлакат араб халқи номидан сўзга чиқади.

Холид ал-Фахум бутун жаҳондаги миллий-озодлик кучларининг курашига кўмаклашиш конгресс мақсадларидан бири эканлигини таъкидлаб, фаластин халқи ўз миллий озодлиги учун, Яқин Шарқда тинчлик ва адолат тантанаси учун 50 йилдан кўпроқ вақтдан буён курашиб келмоқда. Фаластин араб халқини ўз ватанига қайтариш, деди у, бу райондаги тинчликнинг негизидир. Араб халқларига ажал уруғини сочаётган Исроилнинг босқинчиликдан иборат агрессив сиёсати бу ерда одилона тинчликни ўрнатишга тўсқинлик қилмоқда.

Нотиқ Исроилнинг янги агрессив ҳаракатларини қатъиян қоралади. Ана шу агрессив ҳаракатлар натижасида шаҳар ва қишлоқлардаги тинч араб аҳолиси қурбон бўлди.

Нотиқ Совет Иттифоқи фаластин халқига, жаҳондаги барча тинчликсевар кучларга катта ёрдам ва мадад кўрсатаётганлигини ҳиссиётлар ўтдиб. У империалистик агрессияни фош қилиб ташлашда Совет Иттифоқи билан социалистик мамлакатлар эгаллаб турган принципиал ва қатъий позиция учун уларга чуқур миннатдорчилик билдирди.

Исроил тинчликсевар кучларининг вакили **Авн Шаула** бундай деди: Исроил ҳукумати жаҳон афкор оммасига дағдага қилиб, Қўшма Штатларнинг молиявий ва сиёсий мададига таяниб, олти йил муқаддам босиб олган территорияларни эннексия қилди, бу ерларда Исроил қишлоқларини барпо этди, араб ерларини тортиб олди, араб аҳолисини ўз уйлари ва қишлоқларидан ҳайдаб юборди. Исроил ҳукумати бу билан фаластин халқининг ва қўшни давлатларнинг бутун миллий ҳуқуқларини қўпол сўратда поймол қилди.

Биз, исроиллик тинчлик учун курашувчилар, деди нотиқ, муқаддас суратда қон тўкишнинг бошланиб кетишига олиб келиши лозим бўлган бундай авантюристик сиёсатнинг хатарли эканлиги тўғрисида мамлакатҳукуматини бир неча бор огоҳлантирдик. Биз араб территорияларини оккупация қилиш Исроил хавфсизлиги учун зарур деган ҳукуматнинг сохта баёнотларини мамлакатимиз халқига тушунтириб бердик.

Биз шовинистлар билан милитаристларнинг бебошликларига қарамай, исроил халқини қон тўкишишга чек қўйишга, ўзгаларнинг ерларини оккупация қилиб туришни тўхтатишга, Хавфсизлик Кенгаши қарорларининг тўла бажарилиши учун курашишга яна даъват этамиз. Бу эса одилона ва мустаҳкам тинчликни ўрнатишнинг бирдан-бир йўлидир. Бу эса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев конгрессда сўзлаган нутқида айтиб ўтганидек, барча давлатлар ва халқларнинг, шу жумладан исроил халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлайди.

Биз тинчлик тақдири тўғрисидаги масъулият ва ташвиш ҳис-туйғусига амал қилиб, ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорларга сўзсиз риоя қилишни, ўз қўшинларини 1967 йилда босиб олинган барча араб территорияларидан олиб чиқиб кетишни Исроил ҳукуматидан талаб қиламиз, токи халқлар кўпдан бери кутилган тинчлик неъматларидан фойдалана олсинлар.

Исроил тинчликсевар кучларининг вакили Яқин Шарқда қон тўкилишини тўхтатиш соҳасидаги ташаббуси, ҳал қилувчи роли учун, одилона ва мустаҳкам тинчликка эришиш йўлида изчиллик билан кураш олиб бораётганлиги учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдирди.

Яқин Шарқдаги вазият Италия Коммунистик партияси раҳбарлиги ва Сиёсий бюросининг аъзоси **Тулио Веккьетти** нутқининг асосий мавзуи бўлди. Нотиқ тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси Яқин Шарқ танглигини ҳал қилишда аниқ, изчил позицияни эгаллаши, ярашилгандан кейин бу районда одилона тинчликка эришиш мақсадида жамоатчилик фикрини сафарбар этиш учун мақбул таклифларни ўртага қўйиши лозим, деди.

Тулио Веккьетти Исроилнинг авантюристик сиёсатини бутун планетадаги тинчликсевар кучларга қилинган дағдага деб таърифлади. Лекин бу айблар, деб таъкидлади у, фақат Исроил ҳукумати шаънигагина айтилмаслиги лозим. Исроил империализм кучлари ўзига актив мадад бериб турганлиги сабабли араб мамлакатларига қарши экспансиячилик сиёсатини ўтказиб келмоқда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига очиқдан-очиқ дағдага қилмоқда.

Италия вакилининг нутқида социалистик мамлакатлар ва биринчи навбатда Совет Иттифоқи араб халқларига билдирган бирдамликнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилади. Нотиқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессида сўзлаган нутқи гоят муҳим аҳамиятга молик эканлиги ҳақида гапиради. Жумладан, деб таъкидлайди у, бу нутқда Яқин Шарқда тинчликка эришишнинг конструктив программаси белгилаб берилди.

Конгресс президенти **Р. Чандра** процедура масалалари юзасидан нутқ сўзлаб, комиссияларнинг иш тартибини мазлум қилди ва делегатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Шундан кейин Гвинея-Бисау Республикасининг экономика ва молия ишлари бўйича давлат комиссари **Васко Кабрал**, Панамининг мустақиллик ва тинчлик миллий комитети раиси доктор **Камило Перес**, Юниктад-БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси вакили **И. В. Чечеткин**, биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясининг раиси **Клод Ржар**, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги ташкилотининг бош секретари ўринбосари **Мурси Саад Эд-дин**, Аргентина делегациясининг бошлиғи **Оскар Аленде**, Осиё ва Африка ёзувчилари ассоциацияси бош секретарининг ўринбосари **Алеис Ла Тума**, адабий танқидчиларнинг халқаро ассоциацияси вакили ёзувчи **Эрве Базен**, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик комиссиясининг вакили **Т. Травничек** (Чехословакия), Ироқ тинчлик ва бирдамлик миллий кенгашининг бош секретари доктор **Азиз Шариф**, Бразилия тинчлик кенгашининг аъзоси **Уго Даниэль** нутқ сўзлайдилар.

Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, болгар-совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раиси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати **Цола Драгойчева** сўзга чиқади. Кейинги вақтларда халқаро ҳаётда рўй берган энг муҳим ўзгаришлар, деди у, Советлар мамлакати амалга ошираётган Тинчлик программаси билан боғлангандир. Бу программани социалистик мамлакатлар ҳам, жаҳондаги барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучлар ҳам кенг қўллаб-қувватламоқдалар.

Нотиқ инсоннинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш шарти сифатида ҳозирги замоннинг бош социал проблемаларини ҳал қилиш бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган кураш жараёни билан маҳкам боғланганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу факт диққатга сазоворки, деб давом эттирди ўз сўзини Болгария делегациясининг раҳбари, халқларнинг ҳамжиҳат бўлиб тинч яшаш хоҳиши-иродасининг энг ёрқин ва улкан намойиши бўлган тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси улуғ Советлар мамлакати пойтахтида ўтказилмоқда. Советлар мамлакатининг тинчликсевар сиёсати бутун дунёда аллақачон эътироф этилди. Биз ўртоқ Л. И. Брежневнинг улуғ Совет Иттифоқининг бутун тинчликсевар сиёсати сингари доно, конструктив ва инсоний нутқини тинглаб, халқаро тинчликни сақлашга ва мустаҳкамлашга, можаролар ва урушларнинг барча манбаларини қатъий тугатишга қаратилган СССРнинг самимий интилиши ва зўр ғайратига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўлдик.

Шунингдек, черковларнинг жаҳон кенгаши вакили **Луэн Эппс**, халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг президенти **Хертта Куусинен**, БМТ ҳузуридаги студентлар ташкилотлари бюросининг аъзоси **Ално Маннинен**, БМТнинг ҳукуматларга тааллуқли бўлмаган алоқалар бўйича секретариати вакили **К. Рузвельт**, АҚШнинг конгрессдаги делегацияси раҳбари доктор **Карлтон Гудлет**, Финляндия социал-демократик ёшлари марказий союзининг бош секретари **Фольке Сундман** сўзга чиқдилар.

Шу билан ялпи мажлис тугади.

Кунининг иккинчи ярмида конгресс комиссиялари иш бошлади. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Қ. РАҲМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет ва комсомол органларида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Хива район комитетининг биринчи секретари Қадамжон Раҳмонов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 26 октябрь. Тошкент шаҳри.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Г. И. СКОРОБОГАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрининг биринчи ўринбосари Георгий Ильич Скоробогатова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 26 октябрь. Тошкент шаҳри.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Д. Ф. Устинов 25 октябрда Москвада меҳмон бўлиб турган ЧКП Марказий Комитетининг аъзеси, ЧКП Марказий Комитетининг бўлим мудири Еутеп Турзони қабул қилди.

Е. Турзо КПСС билан ЧКП ўртасида партияларо алоқалар планига мувофиқ 22 октябрдан 26 октябргача СССР да бўлди. Е. Турзо СССРда бўлган вақтида КПСС Марказий Комитетининг бўлимларида учрашувлар ўтказди ва суҳбатлашди, партия иши тажрибаси билан танишди.

ТИНЧЛИК ИШИНИ МЕҲНАТ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Кўпдан-кўп ўртоқларим сингари мен ҳам телевидение ёрдамида тинчликсевар кучларнинг Кремлдаги Съездлар саройида ўтаётган жаҳон конгрессида ғойибона қатнашдим. Шу муҳим анжуманда ер юзидаги қарийб барча мамлакатларнинг вакиллари қатнашаётганлиги мени жуда қувонтирди.

Леонид Ильич Брежнев конгрессда сўзлаган нутқида уруш ва тинчлик проблемаларини ҳал этишда халқ оммасининг актив қатнашуви — ҳозирги халқаро ривожланишнинг энг муҳим омилларидан биридир, биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг аччиқ сабоқлари тўғрисидаги хотиралар планетамиз кишиларини инсоният тарихида ҳали мисли кўрилмаган фожиа бўлишига йўл қўймаслик учун актив ҳаракат қилишга қаттиқ чорлаяпти, деб тўғри гапларни айтди. Муқаддас тинчлик ишини ҳимоя қилиш — халқларнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир кишининг вазифасидир.

Тинчликни мустаҳкамлаш учун даставвал ватанимизнинг қудратини, тинчликсевар кучлар олдида бораётган бутун социалистик лагерь қудратини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керакligи мендек ишчи кишига равшандир. Мен конгресс очилишигача беш йиллигимнинг учинчи йили топшириғини бажариб бўлдим. Бизлаги кўпгина ишчилар ҳам конгресс очилишига шундай кўрсаткичлар билан келдилар. Барча халқларнинг бахт-саодати учун бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.

А. ҚОДИРОВ,
Октябрь Революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ, ШУДГОР ҚИЛ!

Республикамиз далаларида пахта учун кураш қизғин давом эттирилмоқда. Айни кезда келаси йил мўл ҳосили учун ҳозирдан ғамхўрлик қилиш, кузги-қишки тадбирларни изчиллик билан амалга ошира бошлаш керак.

Тошкент, Наманган, Сирдарё областларининг қатор районларида кузги шудгор уюшқонлик билан олиб борилмоқда. Оққўрғон районида 8 минг гектар ер шудгорланди, бу белгиланган планнинг 18 процентига тенг, ер ҳайдашга 120 трактор сафарбар этилди. Юқори Чирчиқ, Гулистон ва бошқа бир қатор районларнинг хўжаликларида ҳам кузги шудгорлашга киришилди.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатяпти, техника ва ишчи кучидан тўғри фойдаланилган жойларда ҳозирги йиғим-терим ишларига сира зарар етказмаган ҳолда кузги шудгорни муваффақиятли ўтказиш мумкин.

Бироқ ҳамма жойда ҳам бунга риоя қилиняпти деб бўлмайди. Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва бошқа областларнинг кўпчилик хўжаликларида кузги шудгорлашга ҳали киришилган эмас. Ғузор районида фақат учта трактор ишлаяпти, Ульянов районида бешта, Нэбоскан районида тўртта, Пахтаобод районида иккитадан трактор ишлаяпти, холос.

Кузги шудгорнинг нечиктирилишига ҳеч қандай баҳона бўлмаслиги керак. Мақкажўхори, сабзавот-полиз ва шолидан бўшаган 300 минг гектардан кўпроқ ерни шудгорлаш мумкин, анчагина пахта майдонларининг ҳосилини тезроқ йиғиб олиб, шудгорласа бўлади. Шунга қарамай республика бўйича энди 100 минг гектар ер шудгорланди холос.

Кузги шудгорлашдаги уюшқоқсизликка барҳам бериш, ҳар бир хўжаликдаги аҳволни таҳлил қилиб, яқин кунларда ҳамма ҳайдов тракторларини кузги шудгорга сафарбар этиш керак.

Республика областларида кузги шудгорлашнинг борши тўғрисида 1973 йил 27 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — ҳайдалган майдон (гектар ҳисобида); учинчи устун — планнинг бажарилиш процанти

Хоразм	2284	28,5
Тошкент	34507	15,62
Наманган	12800	9,50
Фарғона	8856	7,15
Бухоро	9660	5,27
Андижон	7786	4

ТОШКЕНТ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ЖАСОРАТИ

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ВАТАНГА 400 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ ПАХТА АРМУҒОН ЭТИБ, РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРДИ

БУРЧГА САДОҚАТ

М. МУСАХОНОВ,
Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари.

Олтин куз колхоз ва совхоз дала меҳнаткашларининг катта ишларига салмоқли якун ясади. Тошкент пахтакорлари партия ва халққа берган сўзларининг устидан чиқиб, умумреспублика хирмонига пойтахт области далаларида етиштирилган 400 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» ҳосили уйдилар. Бу — тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида республика қишлоқ меҳнаткашлари Ватанга 4 миллион 850 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятининг бажарилишига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Область қишлоқ меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикага Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлис ва пахтакор республикаларнинг партия-хўжалик активи йиғилишида берган кўрсатмалари ва маслаҳатларини жанговар иш программаси сифатида қабул қилдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахтакорлар меҳнатига берган юксак баҳоси бизларга янги куч-ғайрат бағишлади, улкан сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди.

Колхозлар ва совхозларнинг партия комитетлари, район партия комитетлари жуда катта ташкилий ишлар қилдилар. Партия ходимларининг катта отряди — райкомлар ва партия комитетларининг секретарлари, партия группалари йиғим-теримнинг олдинги сафларида бўлдилар. Кишиларнинг ақл-идроки ва қалбига таъсир этадиган ҳамма воситалардан фойдаланилди. Пахта йиғим-терими мавсумида мусобақанинг янги-янги формалари вужудга келди, унинг ошкоралигига ва якунларнинг ўз вақтида чиқарилишига, илғорларни муносиб тақдирлаш, уларнинг тажрибаларини кенг ёйишга катта эътибор берилди. Район ижроия комитетлари ҳамда барча совет ва хўжалик ходимлари, мутахассислари катта ишлар қилдилар. Бу эса терим суръатини юксак даражада олиб бориш имконини берди.

Бу борада Оққўрғон район партия комитетининг катта ташкилотчилик ишларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Бу район коммунистлари ҳамма янгиликлар, илғор ташаббусларнинг чинакам тарғиботчиларидир. Бу ишларнинг самараси қўз ўнгимизда: район пахтакорлари мусобақанинг олдинги сафларида бориб, фидокорона, ижодий меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Шунинг кувончлиги, райондаги «Москва» колхози пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини областда биринчи бўлиб, 4 октябрда бажарди. Йиғим-терим авжга чиққан кезларда бу колхоз механизаторлари юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар — ҳар куни планнинг 10-12 процента миқдорида пахта топширдилар. Шунингдек, «Ленинобод», Ленин номли ва Димитров номли колхозлар, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ва бошқа кўпгина хўжаликлар ҳам катта ютуқларга эришдилар.

Йиғим-терим социалистик мусобақасида Юқори Чирчиқ, Бекобод, Бўка, Пискент, Чиноз, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ каби пахтакор районларининг деҳқонлари ҳам ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Ленинский путь» колхозлари, Пискент районидаги Ленин номли, «Гулистон» колхозлари, Бекобод районидаги Ленин номли, «Победа», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Терешкова номли ва «Полярная звезда» колхозлари, Чиноз районидаги Охунбобоев номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», «Интернационал», «Ленинизм» ва бошқа колхозлар ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Бугунги кунда ўзларининг фидокорона ишлари билан шу улкан зафарни таъминлаган шонли дала меҳнаткашларини ажойиб меҳнат ғалабаси билан чин юракдан табриклаймиз. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда қишлоқ меҳнаткашлари билан бирга шаҳарликлар, шонли ишчилар синфи ва зиёлиларимизнинг вакиллари, студентлар ва мактаб ўқувчилари ҳам актив қатнашдилар. Шу кувончли кунларда уларнинг улкан пахта хирмони учун курашда қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатган бебаҳо ёрдамларини эҳтиёт билан таъкидлаб, чин юракдан миннатдорчилик изҳор қилишни истардик.

Юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда шонли механизаторларимизнинг хизмати айниқса катта бўлди. КПСС Марказий Комитети томонидан мақтулланган Ўзбекистон пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг барча пахтакор республикалар механизаторларига Хатига жавобан область дала гвардиячиларимиз ғайратга-ғайрат қўшиб, ўз агрегатларининг юксак унум билан ишлашига эришдилар. Улар машинада пахта териш давлат планини муддатидан илгари, 15 октябрда, сўнгра юксак мажбуриятларини ҳам муваффақият билан бажардилар. Областимизда етиштирилган ялпи ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғи машинада териб олинганлиги, уларнинг қаҳрамонона меҳнати маҳсулидир. 28 та хўжаликда эса бу кўрсаткич 80 процент ва ундан ортиқроқни ташкил этди.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтани машинада териш борасида катта ибрат кўрсатди. Бу хўжаликда ҳосилнинг 96 процента агрегатларда териб олинди. Оқкўрғон районидаги Киров номли колхозда ҳосилнинг 94 проценти, Ленин номли колхозда 93 проценти, Ҳамза номли ва «Заря коммунизма» колхозларида 92 проценти ҳамда Энгельс номли колхозда эса 91 проценти машиналар бункерларидан бўшатилди.

Бу йил пахта териш техникасидан юксак унум билан фойдаланиш учун мусобақа мисли кўрилмаган даражада кенг авж олди. Область далаларида йиғим-теримнинг энг қизғин палласида 2800-2900 «зангори кема» тинмай ишлади. Ҳар бир машинада терилган пахта ўрта ҳисобда 90 тоннани ташкил этди. Чиноз районидаги Киров номли колхозидан Турсуной Охунова, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усейнов, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Хидирбой Мавлонов сингари пешқадам механик-ҳайдовчилар 250-300 тоннадан пахта тердилар. 400 механизатор пахта териш машиналарининг бункерларидан 100-150 тоннадан пахта ҳосили тўкди.

Бизнинг Иваново ва Сирдарё областлари билан анъанавий мусобақамиз, шунингдек, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш маданиятининг анча юксалганлиги ҳам планлар ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига кўп жиҳатдан ёрдам берди. Ерларни ўз вақтида шудгор қилиш, ғўзаларни сифатли парваришлаш ва суғоришга алоҳида эътибор берилди, чигитнинг серҳосил ва вилтга чидамли навларини кенг қўлланиш, кенг қаторли экишга алоҳида эътибор берилди. Пахтакорларнинг маҳорати ошди. Буларнинг ҳаммаси кўп меҳнат талаб қиладиган пахтадек экиндан муттасил Аўл ҳосил олишга эришиш имконини берди. Бу борада кўпгина бригада ва бутун-бутун хўжаликлар катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Эллик центнерлик ҳосил учун социалистик мусобақа ташаббускорлари бўлмиш Пискент районидаги Тельман номли колхозидан Ҳакимполвон ака Қодиров, Чиноз районидаги Киров номли колхозидан Турсуной Охунова, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Мадамин Мараймов, Оққўрғон районидаги Ленин номли колхозидан Павел Вон, Свердлов номли колхозидан Петр Хан бошчилик қилган пахтачилик бригадаларининг коллективлари ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхозидан Пиримқул Жумақулов, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Санджаббор Сулаймонов ва Сайдимаҳмуд Иброҳимов, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Содиқ Йўлдошев, Охунбобоев номли колхозидан Маҳамадқул Раймқулов, Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхозидан Суннат Тошхўжаев бошчилик қилган бригадалар эса ҳар гектар ердан 45 центнердан кўпроқ ҳосил олдилар, 80 та бригада эса 40-45 центнерлик маррани эгаллади.

Худди ана шу каби илғорлар социалистик мусобақага руҳ бағишлаб, уни бошқармоқдалар, барча пахтакорларимиз эса уларга тенглашишга интилишмоқда. Деҳқонларимизнинг асосий экини бўлган пахта ҳосилдорлигини янада ошириш йўлида шу тариқа олға бориш, бизнинг амалий иш режамиздир.

Катта пахта хирмони учун курашда область ишчи ва деҳқонларининг иттифоқи янада мустаҳкамланмоқда. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, йиғим-терим мавсумига область қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг коллективлари техника ва эҳтиёт қисмларнинг анчасини муддатидан илгари етказиб бердилар.

Улар қишлоқ хўжалиги учун пландан ташқари 5,5 миллион сўмлик техника, шу жумладан, 588 та трактор, 403 та трактор прицепи, 70 дан зиёд культиватор ва бошқа механизмлар ишлаб чиқардилар.

Саноатнинг бошқа тармоқларидаги ишлаб чиқариш коллективлари ҳам катта ютуқларга эришдилар. Область саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан илгари, 24 октябрда бажарди. Ой охирига қадар пландан ташқари йиллик мажбуриятдаги 70 миллион сўм ўрнига 78 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Пахтакорларнинг ишлари ва жасоратлари ҳаммамизни хурсанд қилмоқда. Улар билан елкама-елка туриб меҳнат қилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бошқа тармоқларининг ходимлари ҳам ажойиб ютуқларга эришмоқдалар. Областимиз ғаллакорлари бу йил 66 минг тоннадан етиштирдилар. Шоликорлар давлатга 31 минг тонна шоли топшириб, бу борадаги топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Область лубкорлари ҳам давлат тайёрлов пунктларига 260 минг тоннадан зиёд каноп топшириб, мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Областимиз давлатга 41 минг тонна мева, 56 минг тонна узум, 75 минг тонна полиз экинлари маҳсулотини муддатидан илгари етказиб берди.

Ҳозиргача 285 минг тонна сабзавот етиштирилди.

Давлатга 300 минг тонна сабзавот сотиш юзасидан олинган мажбурият яқин кунларда бажарилади.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш тобора кўпаймоқда. Давлатга гўшт, сут, тухум ва жун сотиш йиллик планлари ортиғи билан бажарилди. Шу йилнинг тўққиз ярим ойи ичида давлатга 1972 йилнинг шу давридагига нисбатан 2345 тонна гўшт, 6246 тонна сут, 22,4 миллион дона тухум ва 113 тонна жун кўп сотилди. Чорвадорларнинг фидокорона меҳнати юксак тақдирланди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра Тошкент области ва унинг Оққўрғон райони КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Областнинг 279 илғор чорвадори СССР ордени ва медаллари билан мукофотланди. Тошкент области меҳнаткашлари республика халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш тўғрисида кўрсатаётган диққат-эътиборлари ва доимий ғамхўрликлари учун КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетидан беҳад миннатдордирлар. Ана шу ғамхўрлик туфайли область меҳнаткашлари экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта ютуқларга эришдилар.

Деҳқонларимизнинг ғалабаси — барча қишлоқ меҳнаткашлари фидокорона ишларининг натижаси, партия ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар самараси, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, тайёрлов пунктлари, транспорт, маданий-маиший ва медицина муассасалари, область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, пахтачилик совхозлари область тресті, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси, суғориш системалари бошқармаси ва бошқа область қишлоқ хўжалик бошқармалари ходимлари фидокорона меҳнатларининг ажойиб натижасидир. Улар ўз участкаларида социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни масъулиятли чуқур ҳис этган ҳолда ҳал қилдилар.

Область пахтакорлари ўз мажбуриятларини бажардилар. Лекин, далаларда иш ҳали тўхтаганг йўқ. Қишлоқ меҳнаткашлари бутун ҳосилни сўнгги граммигача йиғиб-териб олиш билан бирга, келгуси йил ҳосили учун ҳам мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Кузги дон экиш, ерни шудгор қилиш ишлари қулай муддатларда ўтказилади, юқори сифатли уруғ тайёрланади, чорвадорлар қишловга пахта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Область меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш мақсадида социалистик мусобақада янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун астойдил курашмоқдалар.



Область хирмонлари.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

Сервер УСЕЙНОВ — 295 тонна
Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози механик-ҳайдовчиси.

Турсуной ОХУНОВА — 250 тонна
Чиноз районидаги Киров номли колхоз механик-ҳайдовчиси.

Хидирбой МАВЛОНОВ — 240 тонна
Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози механик-ҳайдовчиси.

Мардон ИМОМОВ — 220 тонна
Бўка районидаги «Коммунизм» колхози механик-ҳайдовчиси.

Мирзо МИРЗАЕВ — 200 тонна
Бекобод районидаги Ойбек номли совхознинг механик-ҳайдовчиси.

Сарвар ШОХБОЗОВ — 200 тонна
Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз механик-ҳайдовчиси.

ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР

Жумахон ОТАҚЎЗИЕВА — 10000 килограмм
Бекобод районидаги Навоий номли колхоз теримчиси.

Жумагул ПАРДАЕВА — 10000 килограмм
Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз теримчиси.

Холбуви ЖУМАЕВА — 10000 килограмм
Шу колхоз теримчиси.

Эътибор МУКАРАШВИЛИ — 9000 килограмм
Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози теримчиси.

Хайри ПИРМАТОВА — 9000 килограмм
Шу колхоз теримчиси.

Гуландон ЭЛАТОВА — 9000 килограмм
Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз теримчиси.

Турсуной ҚУВОНДИҚОВА — 6000 килограмм
Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози теримчиси.

Область пахтакорларининг социалистик мажбуриятларини бажаришларида «зангори кема»ларнинг етакчи роль ўйнашди. Суратларда: илғор механизаторлардан Ўрта Чирчиқ районидаги Акмал Икромов номли колхозидан А. Пардаев, Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхозидан К. Амиршоев, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозидан Қ. Тоҳиров ўртоқлар.

А. ТУРАЕВ фотолари.

Репортаж

ЛОЧИНЛАР

Тунги пайти. Ҳаво соф, мусаффо. Кўкда октябрь қуёши чарақлаб турибди. Унинг ҳарорати ҳамон таъсирли. Биз катта йўлдан пайкал оралаб боряпмиз. Олтин далаларда меҳнат симфонияси янграб турибди. Уфқ билан туташиб кетган пахтазорларда «зангори кема»лар гувиллайди. Бир томонда теримчилар, бир томонда ёрдамчилар, нуроний ота-оналар ҳам пахта териш билан банд. Пахта ортган тележкалар карвони саф тортиб, пункт томон йўл олаётир. Бу, Оққўрғон районидаги «Москва» колхозининг бахт кулиб боқаётган олтин далалари!

Биз раисни кўрмоқчи бўлиб, колхоз идораси томон бурилдик. Идора ёнида юзлари саратон офтобида қизарган, лабларини пўрсилдоқ босган киши бизни қарши олди. У колхоз раиси Исмоил Шубладзе эди. Раисни кайфияти чоғ, кўнгли тоғдай кўринарди. Ҳа, у нақадар ўзида йўқ хурсанд бугун. Нега деганда, область пахтакорларининг катта меҳнат ғалабасига у раҳбар бўлган хўжалик заршунослари ҳам ўз улушларини қўшганлар-да! Улар районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажаришган, социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб ўринлатишган эди. Бу хушхабарни биз анча илгари эшитган эдик. Раисни катта меҳнат ғалабаси билан қутладик.

— Чиндан ҳам бу йил пахта йили бўлди. Об-ҳаво кутганимиздан ҳам яхши келди. Мана, ниҳоят колхозимиз катта пахта хирмонига зафар байроғини тикдик. Қўзланган маррага эришдик. Бу, хўжалигимиз пахтакорларининг бахти — омади! — дейди у фахрланиб.

Раснинг фахрланишга ҳаққи бор. Чунки, колхоз пахтакорларининг йил бўйи қилган меҳнатлари зое кетмади. Мавжуд 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарилди. Етиштирилган ҳосилнинг қарийб 90 проценти машиналар бункеридан тўкилди.

— Колхозда нечта «зангори кема» бор?

— Ўн олтита пахта териш машинаси сотиб олганмиз. «Зангори кема»ларнинг икки сменада ишлашини таъминладик. Техника бизга қанот бўлди. 1- ва 2- теримда кунига социалистик мажбуриятнинг 4-5 процента миқдорида пахта тайёрланди. Эндиликда чаноқлардаги сўнгги граммлар йиғиб-териб олинмоқда. Қани, далага чиқамиз. Пахтакорларимизнинг қандай меҳнат қилаётганликлари билан танишасизлар, — деб қўйди раис сўзининг охирида.

Бундай долзарб пайтда уларнинг қувончларига, жўшқин ҳис-туйғуларига, орзу-умидларига шерик бўлиш қандай яхши-я! Биз раис билан Жияншо Шоҳимардонов бошчилик қилаётган бригада даласига бордик. Бригада пахтазорларида меҳнат кўтаринкилиги авжида. Бу коллектив бригадалараро социалистик мусобақада голиб чиқиб, мавсум бошидан ҳозирга қадар колхознинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келяпти. Бир неча марта қимматбаҳо саноат моллари ва пул мукофотлари билан тақдирланган.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи, — 55 гектар майдонда юқори ҳосил етиштирдик. Гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» олишимиз керак эди. Маррани эгалладик. Бу, чегара эмас эди. Тектар бошига олинадиган ҳосилни 45 центнерга етказишга қарор қилдик.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам ҳосил яхши бўлди. Африддин Рамизов, Қолдибек Ўроловнинг бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик гектар бошига 35-40 центнерга тўғри келди.

Ён картадаги пахтазорда «зангори кема»лар сузиб юрибди. Биз механик-ҳайдовчиларнинг ишлари билан танишмоқчи бўлиб, уларнинг ҳузурига ошиқдик.

— Машина рулини бошқараётган ўша йигит, — деди раис суҳбатга қўшилиб, — комсомол аъзоси, ёш механик-ҳайдовчи Муслим Тафиев бўлади. У мавсумда 200 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган эди. Ҳозиргача 170 тоннадан ошириб пахта терио қўйди. Биз Муслимни ишдан қолдирмаслиқ учун унга ҳалақит бермадик. У карта бошига келгач, ҳамма билан рулда «ҳорма, бор бўл» қилиб, яна машинани қайтарди-да, эгатларга бурилди.

Колхозда бундай «зангори кема» лочинлари анчагина бор. Мамат Намозов, Тоштемир Маҳмудов, Давлат Нуримбетов, Илёс Айвазов сингарилар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири шу кунгача машинада 180-200 тоннадан пахта терди.

Колхоз пахтазорларини кезар эканмиз, механик-ҳайдовчи ва теримчиларнинг меҳнатидан мамнун бўлдик. Улар хўжалик катта зафар қучганидан, областнинг улкан хирмонига муносиб улуш қўшганликларидан беиҳтиёр шод эдилар. Биз ҳам уларнинг қувончларига шерик бўлдик. Чунки, республикамиз пахтакорлари 4 миллион 850 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонига ғалаба байроғи тикиш арафасида турган кезларда Тошкент область пахтакорлари социалистик мажбуриятни бажариб, зафар қучдилар. Бу зафар ҳамманинг қалбига чўғ солган эди. Биз қуёш уфққа ёнбошлаганда даладан қайтдик. Лекин, пахтазорда меҳнат суронидан ҳамон авжида эди.

А. АҲМЕДОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири,
Ҳ. РУСТАМОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Бундай улкан довонни ошиш осон бўлмади, албатта. Барча қийинчиликларни мардонавор енгган пахтакор ва механизаторларимиз, хўжалик раҳбарлари, партия ва совет органлари ходимлари яна бир марта куч ва иродаларини, ишбилармонликларини, ташаббускор ва ташкилотчиликларини тўла намойиш этдилар.

«Оқ олтин»дан тоғ-тоғ хирмон кўтариб, мажбуриятни бажаришда селекционер-олимларимиз яратган вилтга чидамли серҳосил, тезпишар навлар қўл келяпти. Айниқса, селекционер-олим С. Мираҳмедов кашф этган «Тошкент-1, 2, 3» навлари ҳамда Ю. П. Хуторной яратган ингичка толали «С-6030» нави пахтакорларимизга манзур бўлди.

Ҳа, ҳамкорликда ҳикмат кўп, деб бекиз айтишмайди. Пахтакор билан олим ҳамнафас экан, ҳамиша ғалаба ёр бўлаверади. Сиз, азамат Тошкент области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, ишчилар синфи ва зиёлиларини улкан ютуқ билан табриклайман.

Н. НАЗИРОВ,
В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси.

БАРАКАЛИ ХИРМОН

Областимиз пахтакорларининг байрами — совхозимиз ишчиларининг ҳам катта шодиёнасидир. Ҳа, яхши ниятларимиз, орзу-умидларимиз рўёбга чиқди. Йил бўйи қилган меҳнатимиз ўз самарасини кўрсатди. Областимизнинг меҳнат зафарига биз ҳам муносиб ҳисса қўшдик. Ҳозиргача совхозимиз пахтакорлари давлат омборларига 10 минг 800 тоннага яқин пахта топширдилар. Ҳосилдорлик 30 центнерга етди.

Бу йил ишчиларимиз, механик-ҳайдовчиларимиз етиштирилган ҳосилни машина билан териб олишда бултургидан унумлироқ меҳнат қилдилар. Ўтган йили ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 72 тонна «оқ олтин» терилган бўлса, бу йил ҳар бир агрегат бункеридан ўрта ҳисобда 102 тоннадан зиёд пахта тўкилди. Салкам саккиз минг тонна пахта машиналарда терилди. Козим Умаров — пешқадам механизатор, У 200 тонна пахта терди. Раҳмон Файзуллаев, Ҳамза Мамедов, Шерали Холбоев, Иван Ковалев, Виктор Шпачев сингари механик-ҳайдовчилар 150-170 тоннадан пахта териб, оғирмизни енгил қилдилар.

Расул Самижонов, Василий Адаменко бошлиқ бўлимларнинг ишчилари айниқса яхши натижаларга эришдилар. Улар гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Бу йил кўпгина бригадалар ҳосилдорликни ошириш учун курашиб, баракали хирмон кўтардилар. Насиб Дурсунов бошлиқ бригада аъзолари ҳозиргача 39 центнердан ҳосил олдилар. Улар ҳосилдорликни 45 центнерга етказишмоқчи. Юсуф Ниёзов, Турсунбой Тошпўлатов, Раим Қодиров, Имин Рўзиев, Одовиддин Файзуллаев, Сайдали Узоқов сингари бригадаларнинг аъзолари ҳосилдорликни 36-42 центнерга етказиш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Совхозимиз коллективининг бу йилги ниятлари ялпи ҳосилни 12 минг тоннага етказишдан иборат. Бунинг учун ҳамма имконият бор.

Сиддиқжон ГОЙИПОВ,
Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз директори.

ЙИЛ САХОВАТИ

Бу йилги куз бизнинг далаларимизга ҳам қут-барака олиб келди. Бригадамиз аъзолари 153 гектар ерга «Тошкент-3» навли чигит экиб, мўл ҳосил етиштириш учун ёз бўйи тер тўкиб меҳнат қилдилар. Йиғим-терим ишчанлик билан бошланди. Натижада биз колхозда биринчи бўлиб маррани эгалладик. Давлатга 395 тоннадан ортиқ биринчи сорт пахта етказиб берилди. Эндиги вазифа — ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 30 центнердан ошириб, давлатга 550 тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этишдир.

Пахтачиликдаги сермеҳнат ишларнинг механизациялаштирилиши айниқса биз, деҳқонлар учун жуда қўл келмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг 85 процентини машиналар билан териб олишга муваффақ бўлдик. Маҳамад Каримов, Камол Алижонов, Дунёдор Ниёзов ва Мамат Туронов каби механизаторлар ҳозиргача 120-140 тоннага етказиб пахта тердилар.

Малика Илёсова, Набира Каримова, Сабила Асқарова сингари чеварларнинг меҳнатидан ғоят хурсандмиз. Улар кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, мавсумда 7-8 тоннага етказиб пахта тердилар.

Исфиҳон САРДОРОВ,
Пискент районидаги Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи.

БЕЛОРУС КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

«Ўзбекистон» нашриётининг залида белорус китоблари кўргазмаси очилди. Кўргазмани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот, нашриёт, полиграфия ишлари ва китоб савдоси давлат комитетининг раиси З. Есенбоев очди. Кўргазма залида намойиш қилинаётган китоблар «Совет Ватани учун», «Китоб авторлари,—олимлар», «Миллионлар маданияти», «Ленинча дўстлик нурлари» каби бир қанча темаларни ўз ичига олган.

Белорус китобларининг ўзига хос тарихи бор. 1517 йилда белорус халқининг буюк олими Франсиск Скарина чех пойтахти Прагада биринчи типографияга асос солди ва бу ерда илк бор белорус тилида китоб босилиб чиқди. Орадан тўрт аср ўтгач, 1917 йилда эса белорус тилида бир неча юзгина китоб босилди. Ҳозир Белоруссияда 10 та нашриёт ишлаб турибди. Шулардан 8 тасида китоб нашр қилинаётир. Ўтган йили 27 миллион 300 минг нусхада 2626 номда китоб чоп этилди.

Кейинги йилларда ўзбек тилидан белорус тилига бир неча китоблар таржима қилинди. Белорус нашриёти босмадан чиқарган китоблар Бутуниттифоқ конкурсларида бир неча бор дипломлар олишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, кўргазмада белорус рассомларининг бадиий гравюра ишлари ҳам намойиш қилинмоқда. Белорус китоблари кўргазмаси 31 октябрга давом этади.

Н. УБАЙДУЛЛАЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН Ахборот

ҚАЧОН, ҚАЕРДА, НИМА

ЯРИМ АСР ИФОДАСИ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали залида яна бир кўргазма очилди. Бу гал кўргазма деворларидан таниқли фотосуратчи Г. Зельманнинг расмлари ўрин олди. Расм муҳлислари авторнинг 120 дан зиёд турли ҳажмдаги рангли ва оқ-қора суратларини томоша қилмоқдалар. Суратқашнинг асарларида асосан серқуёш ўлкамизнинг 50 йил мобайнида босиб ўтган камолот йўли ўзига хос акс этган.

Жумладан, «Фарҳод қурилишида» туркумли портретлар, Бекобод металлургларига бағишланган расмлар ёрқинлиги билан диққатга сазовор. Булардан ташқари республикамизда илк марта очилган техникум — деҳқонёшлари мактаби ҳаётига бағишланган лавҳалар эътиборга лойиқ. Дид билан терилган суратлар орасида ўзбекистонлик йигитларнинг гитлер босқинчиларига қарши жангда Ватанимиз озодлиги учун кўксиларини қалқон қилганликлари ўз ифодасини топган. Зельманнинг замонавий мавзудаги расмлари алоҳида ўрин олган. Кўргазмага қўйилган асарларнр республика областларида ҳам намойиш этиш кўзда тутилган.

В. ЗИМОН.

Тошкент.

«ОҚ ОЛТИН» ДАЛА КЕЗАДИ

Пахтачилик институти қошида бадиий ҳаваскорлар ансамбли ташкил этилган. 30 кишини бирлаштирган ансамблга «Оқ олтин» номи берилди. Ашула ва рақс ансамбли ўзининг дастлабки чиқишларини дала меҳнатчиларига хизмат кўрсатишдан бошлади. Студент-ҳаваскорлар Избоскан районидаги Охунбобоев номли, «Шарқ юлдузи», Андижон районидаги Свердлов номли, «Ленинград», Жалолқудуқдаги «Ёш ленинчи», «Пахтакор» каби хўжаликларда бўлиб, тушки дам олиш пайтлари теримчиларни хушнуд этдилар. Ансамблнинг солистларидан Ч. Қамчибекова У. Усмонова, Т. Йўлдошева, У. Абдулазизовалар ижро этган қўшиқ ва рақслар пахтакорларни ром этмоқда.

Н. ИНОҚОВ.

Андижон.

ТЎРТ СОАТДА СУВ ОМБОРИ

Тўрт кишилик бригада аъзолари ўзига хос сув омбори яратиш учун тўрт соатдан камроқ вақт сарфлашди. Сув камёб ерларда об-ҳаёт гамлаб олиш ва суғоришда қўл келадиган бундай омборнинг кенглиги 5 метр бўлиб, чуқурлиги 1,5 метрга яқиндир.

Бир қарашда бу қурилмани омбор дейиш ҳам қийин. Мутахассислар «сув қопи» деб юритаётган «ховуз» олдиндан қазилган қандақа махсус синтетик материалдан тайёрланган қолип ҳолида ўрнатилади. Бундай «юмшоқ» деворли омборни Ленинграддаги илмий-тадқиқот институтининг гидротехника ва мелиорация бўлими мутахассислари яратишди. Янги омбор Ўзбекистоннинг сув танқис ерларида фойдаланилиши мумкин. Энг муҳими, сувни бошқарувчи ирригатор-миробларнинг об-ҳаётнинг исроф бўлишига сира йўл қўймайдиган бўлишади.

Р. СОБИТОВ,

Ленинград.

АЖАБ САВДОЛАР

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН БУЙРУҚ

Урганчдай шаҳри азимда бинойидек иморат қад кўтарди. Бино Урганч шаҳар маиший хизмат комбинатининг оборот маблағи ҳисобига қурилди.

— Бу бинони болалар боғчасига мўлжаллаб қурдик. Энди маиший хизмат соҳасида ишлаётган ходимларнинг болалари ўз боғчаларига эга бўлишади, — деган эди Хоразм область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи Озод Ҳусаинов.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший-хизмат кўрсатиш министрлиги 1971 йил 7 сентябрда 360- махсус буйруқ чиқарди. Унда ёзилишига кўра, иморат 50 ўринли болалар боғчасига мослаштирилиши, боғча ускуналаниши ва аллақачон фойдаланишга топширилиши керак эди.

Ўшандан буён икки йилдан ортиқ вақт ўтди.

Афсуски, боғчани ишга тушириш юзасидан ҳеч қандай амалий иш қилинмади. Тўғри, Хоразм область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи О. Ҳусаинов министрлик буйруғини амалга ошириш ҳақида 1973 йил 8 февралда 11-буйруқни ёзиб, имзо чекди. Аммо, у министрлик буйруғининг ҳам, ўзи чиқарган буйруқнинг ҳам бажарилишини таъминламай келмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУ НЕЧАНЧИ ТРАМВАЙ?

Эрталаб кўпчилик ишга шошилади. Бекатлар йўловчилар билан гавжум. Шу пайт трамвай келиб қолади. Олд томонига ёпиштирилган номерни биров кўрган, биров шошилиб кўрмай қолган. Бир-бирларидан сўрашади:

— Бу нечанчи трамвай экан?

— Номерини кўрмай қолдим.

Ҳалигилар ҳам таваккал, деб трамвайга чиқишади. Бояги савол яна такрорланади. Йўловчи ўзи истаган трамвайга чиққан бўлса, яхши. Бўлмаса, кейинги бекатда шошa-пиша яна тушиб қолади.

Тошкент шаҳрида бундай «текин томоша» ҳар куни эрталабдан кечгача давом этади. Трамвай номерини билмай яна юзлаб одамларнинг асабларн бузилади.

Биз ён томонида номери йўқ трамвайлар саккизинчи ҳамда ўн олтинчи маршрутларда жуда кўп эканлигини аниқладик. Мана уларнинг номерлари: 704; 195. 706. 217. 1206. 1242; 1627; 1615. Буларнинг ҳаммаси саккизинчи маршрутда қатнайди. 16 маршрутда юрувчи 1235; 1221; 180; 208; 217-номерли трамвайлар ҳам ана шундай аҳволда.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин эди. Қолганини Тошкент трамвай деполарининг раҳбарлари ўзлари аниқлаб олишар, деб гапни чўзиб ўтирмадик.

У. АБДУШОҲИДОВ,
студент.

БЕЛЛА Стадниченконинг номини эндиликда бутун иттифоқимиз тўқувчилари яхши билишади. Маргилон шойи комбинатининг бу ташаббускор тўқувчиси ҳозир 1977 йилнинг июль ойи ҳисобига меҳнат қилиб, Суратда: Илгор тўқувчи Б. Стадниченко ёш ишчи Т. Юнусалиевага иш ўргатяпти.

Р. Шамситдинов фотоси.

Тошкентда болалар ва ўсмирлар адабиётига бағишланган кенгаш ўтмоқда

24 октябрда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биносида СССР Ёзувчилар союзи ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи болалар адабиёти секцияларининг республика болалар ва ўсмирлар адабиётига бағишланган қўшма йиғилиши иш бошлади. Кенгашда ўзбек болалар адиблари ва шоирлари билан бир қаторда бир гуруҳ рус совет болалар ёзувчилари қатнашмоқда. Адабий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган бу кенгаш «Навқирон авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ўзбек болалар ёзувчилари олдида турган вазифалар» мавзусида ўтказилмоқда.

Икки кунлик ижодий суҳбатдан сўнг йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида бўлдилар. Тошкент шаҳридаги болалар тарбияси билан боғлиқ муассасалар — нашриётлар, мактаблар, пионер саройларига йўл олдилар. Болалар тарбиячилари, педагоглар, мактаб пионер ва ўқувчилари билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

Кенгаш қатнашчилари республикамиз бўйлаб катта сафарга чиқадилар. Улар қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда, Бухорода, Фарғона водийсида, бир қанча шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, республикамиз болаларининг жўшқин ва бахтиёр ҳаёти билан танишадилар. Шубҳасиз, бу сафарлар қардош ҳамда ўзбек болалар ёзувчиларининг янги асарларига мавзу бўлади.

Тошкентдаги бу кенгаш республикамиз болалар адабиётининг тараққиётида муҳим роль ўйнайди, нелажагимиз гуллари — кичкинтойларнинг ҳаёти, характери, орзу-хаёллари ва интилишларининг мароқли романтик оламини ёрқин, жозибали акс эттирадиган ажойиб асарлар яратишга илҳомлантиради.

Қуйида, ҳурматли газетхон, ана шу кенгаш қатнашчилари бўлган болалар шоирларининг янги шеърларини сизга тақдим этамиз.

Қудус МУҲАММАДИЙ.

ШОИР ВА ШЕЪР СУҲБАТИ

Улуғ байрам элимда,
Завқим қайнар дилимда.
Қалбим баҳор, жўшаман,
Мен не ҳисса қўшаман?
Ундай-бундай шеърларим
Коммунизм ишларин
Тоғдай гигант сурўатин
Тўлқинин жамгаролмас.
Буни яхши биламан,
Тер тўкиб машқ қиламан.
Кечаги шеърим букун
Коммунизм пўлат юкин
Хизматин қондиролмас,
Бор-борлигин қамролмас.

Чўққига тирмашаман,
Шеър довонин ошаман.
Назаримда, тракторчи,
Механик — дур терувчи
Узиб кетдилар мендан,
Уяламан дилимдан.
Колхоз томон бораман,
Совхоз томон бораман,
Янги илҳом оламан.
Қаҳрамон-шеър ёзмоқда,
Паҳлавон шеър ёзмоқда
Шахтёрдек кириша man,
Деҳқондек тиришаман.
Ишчиден қурашаман.
Қани, шоир, элингга,
Эллик йиллик тўйинга,
Сен нималар берасан?
Шеърият биносига
Сўз гиштинми терасан?
Шеърият Волга ГЭСин
Айтчи, қачон қурасан?

Қани, шоир, болаларга,
Ленинчи доноларга,
Атом полвон шеърларинг.
Ишчи-гиштчи шеърларнинг
Офтобойден суратн?
Оламчирой сумбати?
Қалбингдан учир, қани
Сен шеърий ракетангни,
Олайга намойиш қил
Коммунистик эртангни.
Қани, кўрсат рассомдай
Ўзбек халқин миллиончи
Мард пахтакор фарзандин,
Қаҳрамон эл пайвандин.
Кўрсат адир-тоғларда
Бўрон йўлдан қайтмаган,
Қашқирни доритмаган,
Колхоз чорва посбони —
Эгизанчи чўпонни,
Чеҳраси офтобден
Чўлқувар меҳнаткашнинг
Билагига қувват бер.
Пионерим юрагига
Шеърим мойдек ариб кир.
Шеърим, сен ҳам хали ўғли,
Курашларда солдатсан
Совет элим иш постида
Комсомол сафарбарсан.

ЗАВҚЛИ ҲУНАР

Акам илғор тракторчи
Тиним билмай ҳайдар ер.
Бир нафасда, қир-далани
Шудгор қилар, тўкиб тер.
Унг оёғи педал босса,
Пўлат отн гуриллар.
Унинг кучли наърасидан
Еру осмон зирилляр.
Ултираман чақнаб кўзим
Акажоним ёнида.
Бундай завқли ҳунарни ким —
Ким севмайди жонидан.
Акам каби меҳнат қилсам
Кўксим тўлар медалга.
Эҳ, ҳозирча етмайди-да
Оёқларим педалга.

Зиёд КОМИЛОВ.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

ФИШЕР ЯНА 10 ЙИЛ ЧЕМПИОН БЎЛАМАН, ДЕЯПТИ

Шу кунларда Маниланинг бир чекмасида Филиппин тарихида биринчи халқаро шахмат мусобақаси ўтмоқда. Ўн еттита шахматчи, шу жумладан гроссмейстерлар — даниялик Бент Ларсен югославлар Светозар Глигорич, Борислав Иванов, Любомер Любоевич, румин Флорин Георгиу, аргентиналик Мигель Найдорф ва бошқалар ўйнамоқдалар.

Филиппин президенти Фернандо Маркосининг таклифига биноан жаҳон чемпиони Роберт Фишер ҳам АҚШдан Манилага келди. Бироқ у мусобақада қатнашмайди. Шундай қилиб, у Рейкявикда Борис Спасский билан ўтказган мусобақасидан (1972 йилнинг ўртаси) кейин ҳамон «ўзини совутишни» давом эттирмоқда.

Журналистлар пайтдан фойдаланиб Фишернинг шахматдан совуғанлиги ва ҳатто 1975 йилда чемпионлик номини ҳимоя қилиш ниятида эмаслиги тўғрисидаги гап-сўзлар ҳақиқатга мувофиқ келиш-келмаслигини Фишернинг ўзидан сўраб билмоқчи бўлишди.

— Буларнинг ҳаммаси уйдирма гаплар, — деди чемпион, —Мен ҳамма катта халқаро мусобақаларни диққат билан кузатиб бораман, потенциал рақибларимнинг ўйинларини ўрганиб чиқяпман. 20 га яқин шахмат журналларини олиб турибман. Яқин келажакда яна амалий ўйинга киришмоқчиман. Шахмат мусобақаларининг голиблари оладиган совғалар ҳамон ниҳоятда оз.

Аммо, бу совғалар бошқаларга етарли бўлсада, менга озлик қилади, деди Фишер. Бу билан у ўзининг мусобақаларда қатнашиш учун ҳамон кўп гонорар берилишини талаб қилишга ишора этди.

Фишер Спасскийни ҳамон жаҳон чемпиони номи учун мусобақада кучли даъвогар деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Совет Иттифоқининг бошқа иккита гроссмейстери — Михаил Таль билан Анатолий Карпов куч жиҳатидан Спасский билан бима-ён боришяпти.

Фишернинг сўзларига кўра, у камида ўн йил жаҳон чемпиони бўлиб қолар эмиш.

В. БАБКИН,
(ТАСС мухбири).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

29 ОКТЯБРЬ — ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.30— МОСКВА. 17.35 — Янгиликлар, 17.45 — «Костёр». 18.15 — **Тинчликсевар кучлар жаҳон конгресси қатнашчилари қиноя қиладилар.** 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Кинофильм, 18.50 — Ҳужжатли фильм, 19.10 — Ахборот. 19.25 — МОСКВА. **Тожикистон ССР Ватанга рапорт беради.** 20.15 — ТОШКЕНТ. Оламда нима гап? 20.35 — Ўн минут музика 20.45 — Ахборот. 21.05 — **Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.** 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. **«Ёшлик».** 23.00 — МОСКВА. **Хоккей.** СССР биринчилиги **«Динамо»** (Рига) — **«Спартак»** (Москва). Учинчи бўлим. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. 19.25 — ТОШКЕНТ. Адабий кўрсатув. 19.55 — Реклама. 20.15 — МОСКВА. 22.00— ТОШКЕНТ. «Байрам олди вахтасида», 22.30 — МОСКВА. 23.00 — ТОШКЕНТ. **Сени кутамиз, Темир** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

30 ОКТЯБРЬ — СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — «Қувноқ ўйинлар». 19.10 — Концерт. 19.55 — Ахборот. 20.10 — Репортаж. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари.** 21.15 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Ҳужжатли фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Фильм-концерт. 11.45 — **Ҳамма палубага** (бадиий фильм). 18.30— МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Замандас». 22.40 — Совет киноси усталари. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Пойтахт янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — С. Есенин лирикаси. 20.10 — Қўшиқлар. 20.50 — **Мамлук** (бадиий фильм).

31 ОКТЯБРЬ —ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 20.25 — ТОШКЕНТ. 20.30 — Ахборот. 20.45 — Ўн минут музика 20.55 — Ахборот. 21.15 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 23.00 — ТОШКЕНТ. **Осетия афсонаси** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. **Банка** (бадиий фильм). 11.30 — Ўқув кўрсатувлари. 18.35 — Кинофильм. 19.00 — Адабий топишмоқлар. 19.30 — Концерт. 20.05 — Шоира Римма Казакова— меҳмонимиз. 20.25 — МОСКВА. «Инсон. Ер. Коинот». 20.55 — Ўтмиш киноленталари. 22.00 — ТОШКЕНТ. Адабий композиция. 22.25 — Реклама. 23.00 — МОСКВА. 23.15 — **Хоккей.** СССР биринчилиги. **«Динамо»** (Москва) — **«Торпедо»** (Горький) 2—3-бўлимлар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Пойтахт янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.20— Ўқув кўрсатуви. 21.00 — **Уртоқ Арсений** (бадиий фильм).

1 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.20 — **«Ёшлик».** 19.00 — **Футбол:** СССР биринчилиги. **«Пахтакор»** (Тошкент) — **«Динамо»** (Киев). 21.00 — Шеърият муҳлисларига. 21.10 — Ахборот. 21.30 — Концерт. 22.00—МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — ТОШКЕНТ. Меҳнатни шарафлаймиз. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.05—ТОШКЕНТ. Фильм-спектакль. 11.30 — **Ўғил болалар** (бадиий фильм). 18.10—МОСКВА. 18.40— «Шеърият» 19.00—**Шахмат.** СССР биринчилиги. 19.30 — **Тинчликсевар кучлар Москва жаҳон конгресси қатнашчилари билан суҳбат.** 22.00 — ТОШКЕНТ. «Гулистон» журнали саҳифаларида. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Пойтахт янгиликлари. 19.15 — **Тоғларда ёз қиқа бўлади** (бадиий фильм). 20.25 — Фильм-концерт. 20.45 — Телеспектакль.

2 НОЯБРЬ — ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — **«Ёшлик».** 19.15—Ахборот. 19.30— Концерт. 20.00 — Фан — қишлоқ ҳўжалигига. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Пахтакорлар байрам олди вахтасида.** 21.15 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — ТОШКЕНТ. Репортаж. 22.50 — **Мақсуд Шайхзоданинг адабий портрети** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Қўғирчоқ фильм. 11.50 — **Бадиий фильм.** 18.25—МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Сиҳат-саломатлик». 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Пойтахт янгиликлари. 19.15 — «Беш йиллик маршрутлари бўйлаб». 19.35 — Фильм-концерт. 20.05 — Мусобақа якунлари. 20.30 — **Оқибат** (бадиий фильм).

3 НОЯБРЬ — ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — Концерт. 11.00 — МОСКВА. 17.25— ТОШКЕНТ. 17.30 — Кинофильм. 17.45 — **«Санъат гулчаларн».** 18.15 — **«Ерқин ҳаёт»** тележурнали. 19.15 — Ахборот. 19.30 — **Нафосат** (бадиий фильм). 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.** 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. **«Таъзим».** Қашқадарё область Ульянов райони меҳнаткашлари билан учрашув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.00 — **«Ёшлик»** 17.25 — МОСКВА. «Здоровье». 17.55 — Ҳайвонот оламида. 18.55 — Концерт. 19.40 — Сизларга СССР қўмир саноати министри Б. Ф. Братченко жавоб беради. 20.10 — Қўшиқлар. 20.55 — **Пўлат ҳандай тобланди** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.55 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

4 НОЯБРЬ — ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Ўқувчилар учун кўрсатувлар. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Янгиликлар. 13.40 — СССР Давлат мукофотига номзодлар. 14.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 15.00— Музикали киоска. 15.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 16.30 — Концерт залларида. 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.25 — Кинофильм. 17.55— «Колокольчик». 18.25 — МОСКВА. Халқаро панорама. 18.55 — ТОШКЕНТ. Ахборот. 19.10 — **Учрашув** (бадиий фильм). 20.15 — Ахборот. 20.35 — Ўн минут музика. 20.45— **Илғорлар минбари.** 21.00 — Талабларга мувофиқ концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. «Балет кечаси». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ. 17.15 — МОСКВА. **Муму** (бадиий фильм). 18.25 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильмлар. 18.55 — МОСКВА. **Сув полоси.** СССР биринчилиги. 19.25 — Чет эллик меҳмонларимиз. 19.40 — Концерт. 20.20 — **Пўлат ҳандай тобланди** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 21.30 — Хатлар асосида музикали программа. 22.00 — ТОШКЕНТ. Реклама. 22.20 — Врач маслаҳати 22.30 — МОСКВА. **Телеминиатюралар театри.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.10 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25— ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40— Телетеатр. 10.20 — Мультфильм. 10.30 — Қувноқлар даврасида. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10— «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 13.40 — Халқаро панорама. 14.10 — ТОШКЕНТ. 14.15— Концерт. 15.00 **Футбол:** СССР биринчилиги **«Пахтакор» — «Заря»** (Ворошиловград). 17.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 17.30 — **Соялар чошгоҳда йўқолади** (бадиий фильмнинг 7-серияси). 18.35 — Ахборот. 18.50 — **Экран ҳандаси** (такрорий кўрсатув). 19.30 — Ахборот. 19.50 — Ўн минут музика. 20.00 **Футбол:** СССР биринчилиги **«Динамо»** (Тбилиси) — **ЦСКА.** 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30— ТОШКЕНТ. Илғорлар минбари. 22.50 — Концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.10 — МОСКВА. 16.40 — **Спорт гимнастикаси.** Европа биринчилиги. 17.40 — Кинопанорама. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — «Физкультура ва спорт», тележурнал. 21.00 — Пахта теримида қатнашаётганлар учун концерт. 21.40 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.30 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/Х да **Доктор Айболит** (кундуз соат 12 да), **Чио-чио-сан** (кеч соат 7 да).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/Х да **Ўжарлар,** 29/Х да **Қайнона.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда) шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Телбалар қафтаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим — (2 серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида); Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (14.00, 17.30, 20.30), «КЎКЧА» (17.00, 20.00).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КЎКЧА» (11.00, 13.00, 15.00), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 20.00, 21.45).

Решма ва Шера — С. РАҲИМОВ номли (14.00, 18.00, 21.30).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Саннинов ери — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Синов — С. РАҲИМОВ номли (12.00, 16.00, 20.00), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Фидокор ялангоёқлар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (11.00, 13.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Парм ибодатхонаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00).

Ўғай она — «ЧАЙКА» (14.00, 18.00).

Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузашти — «СПУТНИК» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.00).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

28 ОКТЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ДА

СССР биринчилиги учун олий лиганинг

«Заря» (Ворошиловград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми, Математика фанлари бўлими, Математика илмий-текшириш институти маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор Тошмуҳаммад Саримсоқовга отаси

Ҳайдарали САРИМСОҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат университети ректорати, партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари университет ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Тошмуҳаммад Саримсоқовга отаси

Ҳайдарали САРИМСОҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС 700.029 ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Зўлонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. — 255. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 01777.